

Пайарик шахри
(контракт тузилган жой)

03 ноябр 2022 й.
(контракт тузилган сана)

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи **Пайарик тумани Ҳокимлиги** номидан низом асосида фаолият олиб боровчи **З.А.Эргашев** бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи **DIAMAND BUILDER МЧЖ** номидан низом асосида фаолият олиб боровчи **Хасанов И** бошқа томондан, ушбу контрактни қуйидагилар тўғрисида туздилар.

КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Пиширик печ	дона	320	495000	158400000
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
	Жами :				158400000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси **158 400 000 (бир юз эллик саккиз миллион тўрт юз минг)** сўмни ташкил қилади

Алоҳида шартлар

1	Лицензия ва гувоҳнома булиши керак
2	Махсулот етказиб бериш шартли билан
3	
...	

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур контрактни ғазначилик бўлинишида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30% микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 30 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 20 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларнинг Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 20- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар қолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар қолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатида риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда катнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз қучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Томонлар ҳўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги ҳўжалик қўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинималарида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тузаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тузаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотиб олувчи»:	"Diamand builder" МЧЖ
Адрес:	Самарканд шаҳар Беруний кучаси 45а уй
Х/Р:	20208000305054308001
МФО:	01097
ИНН:	306325753
ОКОНХ:	
Банк:	САМАРКАНД Ш. ТРАСТБАНК" БАНКИНИНГ САМАРКАНД ФИЛИАЛИ
Рахбар:	И. Хасанов



«Сотиб олувчи»:	Пайарик тумани ҳокимлиги
Манзил:	Пайарик тумани Самарканд кўчаси 52-уй
ш/х:	305122860132247108602018004.
ОКОНХ:	97600
СТИР:	200760885
Ғазначилик бўлинимаси ному	Пайарик тумани бўйича Ғазначилик бўлинимаси 23402000300100001010
Ғазна х/в	Марказий банк Тошкент ш ХККМ.
Банкнинг номи	00044
МФО	201122919
Ғазначилик СТИР	
Рахбар:	З.Эргашев



Ҳуқуқшунос _____
Лицензия (Диплом) _____ берилган санаси: _____

Ҳуқуқшунос: Масъуд и. Мухомматов
Лицензия № 00174 берилган санаси: 22.12.2020-й

“ТАСДИКЛАЙМАН”
“Туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари, комиссия раиси



У.Олланов

Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан Аёллар дафтарида турган хотин-кизларга пиширик печ сотиб олиш учун ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Пайариқ туман

« 27 » октябр 2022 й.

Раислик қилувчи **У.Олланов**

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Г.Исроилова	Комиссия аъзоси,
Ж.Тухсонбоев	Комиссия аъзоси,
Х.Хайитова	Комиссия аъзоси,
Б.Абсаломов	Комиссия аъзоси,

У.Вахобов Котиб, Туман ҳокимлиги ҳисобчиси

КУН ТАРТИБИ:

Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан Аёллар дафтарида турган хотин-кизларга пиширик печ сотиб олиш бўйича.

Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан 2022 йил 20-октябрда Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан Аёллар дафтарида турган хотин-кизларга пиширик печ сотиб олиш бўйича № 22110012166306 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 27-октябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан Пайариқ тумани ҳокимлиги томонидан Аёллар дафтарида турган хотин-кизларга пиширик печ сотиб олиш бўйича” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан Diamand builder МЧЖ корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимида муҳокама

қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги ҳисобчиси У.Вахобовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 27-октябрдаги электрон баённомасига асосан ғолиб Diamond builder МЧЖ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Сотиб олинаётган маҳсулотлар сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия аъзолари

Г.Исроилова

Ж.Тухсонбоев

Х.Хайитова

Б.Абсаломов

У.Вахобов